SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son 12/1
2023

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SP1342V3I12.1Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## МУНДАРИЖА

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


*Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) ........ 12-18

*Qitaybekov Azizbek Kenesbek o‘g‘li*
QORAQALPOG‘ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA “DOBROLET” AKSIYADORLIK JAMIYATINING O‘RNI ........ 19-23

*Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna*
QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG’LIQ BA’ZI MAROSIMLAR ........ 24-29

*Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли*
МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ........ 30-35

*Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich*
TO‘DA-1 NEOLIT MAKONINING O’ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O’RGANISHDAGI O’RNI ........ 36-40

*Olimjonova Gulida Olimjon qizi*
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI .. 41-47

*O‘ng‘alov Lazizbek Amiriddin o‘g‘li*
NUROTA TOG‘ TIZMASINING TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O‘RGANILISH TARIXI.. 48-53

*Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich*
MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA) ........ 54-58

*Tilavboyev Muhammad*
JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG‘LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR ........ 59-63

*To‘xtaboyev Xurmatullo Shomirza o’g’li*
O‘ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O‘RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) ........ 64-68

*Рахматиллаев Хасанбой*
МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР ........ 69-74

*Qurbonova Manzila Boqiyevna*
BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI ........ 75-80

*Ravshanova Gulora*
QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA’MINOTI (XX-asrning 20-yillarida) ........ 81-85

*Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОЛҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ........ 86-90

*Baxronov Abdullo Haydar o‘gli*
O‘ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O‘RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O‘RNI ........ 91-95

*Maxmatqulov Jasur Isroil o‘g’li*
GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI ........ 96-101

*Esanova Nilufar*
O‘ZBEKISTON–TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO‘QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) ........ 102-106

*Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли*
АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50–80-ЙИЛЛАРИ) ........ 107-111

*Эсонов Зиёдбек Юлдашевич*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ ........ 112-117

*Tishabayeva Irodaxon Rasulovna*
1960-1970 YILLARDA O‘ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI ........ 118-124

*To‘xtamisheva Fotima Musurmonovna*
MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO‘ZLIGIDA O‘ZGARISHLAR ........ 125-132

*Sattorov Nurbek*
SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O‘ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI ........ 133-138

*Hazratov Nurali Burxon ug‘li*
QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXEOLOGIK YODGORLIKLARINING O‘RGANILISH TARIXIDAN ........ 139-144

*Mamatqulov Bekzod Sherozovich*
O‘ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA) ........ 145-149

*Berdiyev Jamshid*
VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O‘RNI ........ 150-155

*Djurakulov Sherzod Davronovich*
SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O’RGANILISHI TARIXI ........ 156-161

*Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна*
ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ ........ 162-172

*Зухриддин Болтаевич Жунаев*
ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) ........ 173-181

*Mamadiev Boxodir Bobojonivich*
QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON ........ 182-186

*Norqo‘chqarov Xushvaqt Eshnazarovich*
AFG‘ONISTONDA O‘ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O‘ZBEKLAR IJTIMOIY-MADANIY HAYOTIDAGI O‘RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) ........ 187-197

*Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич*
ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ ........ 198-203

*Азаматова Гулмира Байирбековна*
ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР ........ 204-208

*Tishabayeva Irodaxon Rasulovna*
1960-1970 YILLARDA O‘ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI ........ 209-215

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Ostonokulov Azamat Abdukarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo‘min o‘g’li*
DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI ........ 216-226

*Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich*
O‘ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIY- IQTISODIY MEXANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI ........ 227-232

*Отабеков Отажон Ғайрат ўғли*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 233-243

*Шакирова Фароғат Болтаевна*
ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 244-255

*Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич*
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 256-263

*Jumaniyazova Ro‘za Quvondiq qizi*
TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI ........ 264-269

*Matniyozov Murodjon Rajabbayevich*
DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQISHINING AHAMIYATI ........ 270-278

*Хамидова Зарифа Урол қизи*
ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 279-291

*Toshaliyeva Saodat Toxirovna*
KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY MOHIYATI ........ 292-296

*Худойназаров Фахритдин Хаитович*
ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ ........ 297-304

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 305-313

*Кадырова Шарофат Амоновна*
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ........ 314-323

*Бегматова Зиёда Захиджановна*
ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ ........ 324-332

*Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich*
TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS ........ 333-340

*Masharipova Fazilat Axmedovna*
OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING AHAMIYATI ........ 341-348

*Мусинов Дилшод Султанович*
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНИНГИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА ........ 349-359

*Шакирова Юлдуз Сайдалиевна*
ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ ........ 360-368

*Абдивохидов Мамуржон Авазхон ўғли*
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 369-380

*To’xtasinova Михаyyo Mirzasultonovna*
DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA ........ 381-388

*Курбанова Рахима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна*
РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 389-403

*Набиева Нилуфар Муратовна*
ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ ........ 404-416

*Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich*
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEXANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI ........ 417-428

*Sharipova Zulayho*
SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI ........ 429-434

*Шарипов Акбар Илхамович*
ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ ........ 435-440

*Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич*
ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ . 441-447

*Xamzayeva Dilfuza Samarovna*
SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI ........ 448-452

*Усманова Насиба Акбаржоновна*
ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ ........ 453-459

*Исхакова Сарвар Аюбовна*
ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 460-467

*Ollanazarov Bekmurod Davlatmuratovich*
INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO‘LLASH IMKONIYATLARI ........ 468-479

*To‘ychiyeva Nodira G‘ulom qizi*
OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN’IY INTELLEKT ........ 480-485

*Абдураҳимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ........ 486-494

*Maxsudov Sherzod Solijonovich*
TO‘QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI ........ 495-500

*Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna*
ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES ........ 501-506

*Radjabova Malika Ziyodullayevna*
AHOLI BANDLIGINI TA’MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA ........ 507-512

## ***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Asraqulova Adiba Nabiyevna*
ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR ........................................513-520

*Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич*
ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ ........................................521-530

*Гуламова Мавжуда Ташпулатовна*
АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ ........................................531-538

*Abduxolikova Nasiba Alijonovna*
YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIY SALBIY OMILLAR ........................................539-544

*Yazdonov Zikirillo Shukurilloyevich*
QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI ........................................545-552

*Sharipova Barno Salimovna*
BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI ........................................553-558

*Xalikulova Umida Rustamovna*
AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR ........................................559-564

*Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida*
OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI ........................................565-571

*Tog'ayev Nodirjon Ergashevich*
AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIYASIDA TUTGAN O'RNI ........................................572-576

*Kipchoqov Xomidjon Gulomovich*
JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA ........................................577-581

*Raximova Rayxon Abdurasulovna*
ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI ........................................582-586

*Агзамова Нилюфар Шухратовна*
"АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ ........................................587-591

*Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich*
INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA ........................................592-596

*Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li*
DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIYASI ........................................597-603

*Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna*
GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O‘ZGARISHLARNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI ........ 604-609

*Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi*
O‘ZBEKISTONDA OLIY TA’LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI ........ 610-615

*Tagayev Ganisher Xasanovich*
YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIIY-ESTETIK OMILLARNING O‘RNI ........ 616-625

*Шоназаров Жамшид Шуҳратович*
БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯСИ ........ 626-630

*Ҳамраев Сирож Абруевич*
ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ ........ 631-637

*Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich*
MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG‘IBOT TEXNOLOGIYALARI: O‘ZBEKISTON VA XORIJ TAJRIBASI ........ 638-642

*Hashimova Gulsina Ismoyilovna*
HARBIY IJTIMOIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA’MINLASHDAGI ROLI ........ 643-648

*Karimova Gulnoza Yigitaliyevna*
AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURIYATI ........ 649-655

*Sharipova Kamola Usmonjonovna*
YANGI O‘ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA’MINLASH BO’YICHA ILG‘OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI ........ 656-661

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№12/1(3)-2023.**
**ISSN: 2181-1342 (Online)**
**https://scienceproblems.uz**

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Худойназаров Фахритдин Хаитович**
Термиз иқтисодиёт сервис университети
1-босқич магистранти
E-mail: faxriolam@gmail.com

## ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ислом иқтисодиётида Ибн Халдун тавсиялари ҳақида сўз юритилиб, иқтисодиёт фани мутахассисларнинг қарашлари ва хориж тажрибалари ўрганилган.Унда банк-молия тизимидаги муаммоли вазиятлар, нодавлат банкларни тартибга солиш бўйича илмий-услубий, амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Иқтисодий манфаатлар, Иқтисодий ресурслар,Эҳтиёжлар, Бозор иқтисодиёти, Муроҳаба, Мушорака, Музораба, Солиқлар, Мулк, Макроиқтисодиёт, Фитр, Закот.

**Khudoynazarov Fakhritdin Khaitovich**
Termez University of Economics and Service
1st year master's student

## ISLAMIC ECONOMY: RECOMMENDATIONS OF IBN KHALDUN

**Abstract:** This article talks about Ibn Khaldun's recommendations in Islamic economics, views of economics experts and foreign experiences are studied. Scientific-methodical, practical suggestions and recommendations are presented on the problematic situations in the banking and financial system, regulation of non-state banks.

**Keywords:** Economic interests, Economic resources, Needs, Market economy, Murohab, Musharaka, Mozoraba,Taxes, Property, Macroeconomics, Fitr, Zakat.

**Худойназаров Фахритдин Хайтович**
Термезский университет экономики и сервиса
магистрант 1-го курса

## ИСЛАМСКАЯ ЭКОНОМИКА: РЕКОМЕНДАЦИИ ИБН ХАЛДУНА

**Аннотация.** В статье рассказывается о рекомендациях Ибн Халдуна по исламской экономике, изучаются мнения экспертов-экономистов и зарубежный опыт, представлены научно-методические, практические предложения и рекомендации по проблемным ситуациям в банковской и финансовой системе, регулированию деятельности негосударственных банков.

**Ключевые слова:** Экономические интересы, Экономические ресурсы, Потребности, Рыночная экономика, Мурохаб, Мушарака, Мозораба, Налоги, Собственность, Макроэкономика, Фитр, Закят.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N44

**Кириш.** Ислом молия тизими кўлами тез суръатлар билан ўсиб бормоқда ва ҳозирда жаҳон банк-молия тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. У йилдан йилга эътибор қозониб, аҳамияти ортиб бормоқда. Жаҳон Ислом банк-молия тизими ҳажми 2007 йилда 758 миллиард доллардан 2021 йилда бир неча йил ичида 3,37 триллион долларгача ўсишда давом етди. Ислом молия тизими дунёнинг кўплаб мамлакатларида, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлмаган давлатларда ҳам тез оммалашмоқда. Бу анъанавий банк тизимларига ўхшаш тизимдир.

Дунё бўйлаб тадқиқотчилар ислом иқтисодиёти ва молиясини тобора кўпроқ ўрганишмоқда. Ушбу соҳанинг назарий ва концептуал асосларини, ислом молиясининг жаҳон банк-молия тизимидаги ўрни, аҳамияти, ривожланиш тенденциялари ва келажаги ўрганилмоқда. Жаҳон миқёсида ислом молия тизимини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлларини ўрганилмоқда. Тизимни янада мустаҳкам ва бутун дунё бўйлаб одамлар учун очиқ қилиш йўллари изланмоқда. Ислом молия тизимини илгари суриш учун қуйидагилар жуда муҳим:

Ислом молия тизимини тартибга солиш, тизимнинг самарали бўлишини таъминлаш учун тизимлар ва процедураларни ишлаб чиқиш;

Ислом молия тизимининг глобал иқтисодиётнинг бошқа қисмларига, масалан, анъанавий молия тизими ва турли мамлакатлар иқтисодиётига қандай таъсир қилаётганини ўрганиш;

Тизимни бутун дунё бўйлаб одамлар ва корхоналар учун янада қулай қилиш, янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, мавжуд ислом молия институтлари имкониятларини кенгайтириш;

Ўзбекистонда Ислом молиясининг машҳурлиги ортиб бораётгани кўзга ташланади, бу эса соҳада илмий тадқиқотлар, амалий ишларнинг ҳам кўпайишига олиб келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва унинг филиалларидан муробаҳа ва ижара молиялаштириш борасида ишлар бошлангани мисол бўла олади. Аммо Ўзбекистонда анъанавий молия ташкилотларининг исломий молия хизматлари ва маҳсулотларидан қандай фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилмагани сабаб, тизимдан фойдаланиш оқсарди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни парламентга мурожаатномасида ислом молияси тамойилларини ўзида мужассам этган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди. Мақсад – “Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали молия бозорида рақобатни рағбатлантириш ва исломий молия механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш эди. Айни пайтда Ўзбекистон бўйлаб 14 та банкда исломий молия бўлимларини ташкил этиш, кредитлар ва депозитларни исломий молия тамойиллари асосида амалга ошириш имконини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонига асосан қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва бошқа ушбу соҳага алоқадор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш долзарб мавзу бўлиб қолаверади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Ислом иқтисодиёти ва молияси асрлар давомида олимлар томонидан муҳокама қилинган мавзудир. Ислом уламоси Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфийнинг “Китоб ал-хараж” асарида микромолиялаш ҳақида сўз юритилиб, “тижорат банкларига кириш имконига эга бўлмаган кам таъминланган тадбиркорларга эътибор қаратиш лозим”лиги таъкидланади [4].

Абдураҳмон ибн Халдуннинг “Муқаддиматул ибн Халдун” асарида гаров ва инвестициялар ўрнини босувчи норасмий баҳолашдан фойдаланган ҳолда қарз олувчиларга кичик, қисқа муддатли ва такрорий кредитлардан оддий ва қулай фойдаланиш имкониятини яратиш лозим”лиги айтиб ўтилади [5].

Е. Байдаулету ўзининг “Исломий молия асослари” асарида исломий молиянинг анъанавий молиядан фарқини шундай изоҳлайди:” Исломий молия фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намоён қилади”. Бошқача айтганда исломий молия шерикчиликка асосланишини таъкидлайди [6].

Т.Усмонийнинг “Ислом молиясига кириш” асарида иқтисодиётда баъзи ҳолларда мушорака ва музораба орқали молиялаштиришни амалга ошириб бўлмайдиган соҳалар ҳам мавжудлиги, бу каби соҳаларда молиялаштириш учун Ислом молиясининг муробаҳа, ижара, салам ва истисна каби бошқа воситаларидан фойдаланишни таклиф қилади [7].

Р. Беккин “Ислом иқтисодий модели ва замон” асарида исломий банклар ва такафул компаниялари мавжуд анъанавий банк ва суғурта маҳсулотларининг аналогларини яратиш йўлидан бораётганлигини таъкидлаб ўтган [8].

С.Харон, Ван Нурсофиза Ван Азми “Исломий молиялар ва банк тизими. Фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти” асарида баъзи молиявий бозорлар иқтисодий бўҳронга юз тутган вақтда, исломий молия ўзининг ишончлилиги ва барқарорлиги билан ажралиб туришини таъкидлайди [9].

М..Гибадуллин, Т. Ваҳитова “Ислом иқтисодиёти асослари: иқтисод назарияси ва амалиёт” асарида илмий доираларда ислом молия-кредит институтларининг фаолият кўрсатиш тамойиллари ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида қизиқиш уйғотаётгани ҳақида маълумот беради. [10].

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани тайёрлашда МДҲ мамлакатларида чоп этилган мавзуга доир адабиётлар, интернет тармоғида мавжуд сўнгги янгиликлар ўрганилди ва мусулмон халқларининг ислом иқтисодий тафаккури эволюциясини ўрганиш; ислом иқтисодий моделининг хусусиятларини аниқлаш; ислом иқтисодий модели шаклланишининг асосий босқичларини очиб бериш; тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мусулмон давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш; мусулмон дунёсининг тизимдаги ўрни ва ролини кўрсатиш;халқаро иқтисодий алоқалар; ислом давлатларининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви йўллари ва истиқболларини аниқлаш қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

**Муҳокама.** Ислом ижтимоий-иқтисодий таълимотининг энг изчил тақдимотини ўрта аср ҳуқуқшунослари, шунингдек, тарихчилар ва бошқа дунёвий муаллифларда топиш мумкин. Ўрта асрларда исломнинг бу қарашлари ривожланишининг натижасини

Муҳаммад ибн Халдун (1332-1406) — Ибн Халдун умумлаштиради. Унинг асарларидан энг аҳамиятлиси “Буюк тарих” ёки “Ибратли мисоллар китоби ва араблар, форслар ва берберлар ва уларнинг замондошларининг буюк куч-қудратга эга бўлган даврлари ҳақидаги хабарлар девонидир”. Айниқса, унинг “Катта тарих”га “Муқаддимаси” машҳур бўлиб, унда Ибн Халдун ўз кузатишлари ва таҳлиллари билан инсоният жамиятлари, турли маданият ва цивилизацияларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, адолатли сиёсий бошқарувга оид кўплаб мавзуларни ёритган.

Жин Девид “Journal of Political Economy” журналида чоп этилган мақоласида ёзадики: “Ибн Халдун Ғарбда расмий тан олинишидан бир неча асрлар олдин жуда кўп иқтисодий қонунларни кашф этган. У Адам Смитдан олдин меҳнат тақсимоти зарурлигини, Рикардодан олдин меҳнат қиймати тамойилини ва Кейнсдан олдин барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда ҳукуматнинг ролини кашф этган”.

Ибн Халдун биринчи бўлиб иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишини, технологик тараққиётнинг аҳамиятини, саноат ихтисослашувини, ташқи савдони, қўшимча маҳсулотнинг ролини, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини рағбатлантиришда давлатнинг роли ва барқарорлаштириш сиёсатини тизимли таҳлил қилди. Унинг инфляцияни жиловлаш ва миллий валютани мустаҳкамлаш бўйича давлат пул-кредит сиёсати бўйича тавсиялари АҚШ Федерал резерв кенгаши, Англия банки ва Германия Бундесбанки томонидан амалга оширилди. Инфляция қарз берувчиларга, нафақахўрларга ва доимий даромадга эга бўлганларга зарар етказади. Инфляциянинг олдини олиш учун давлат биринчи навбатда унинг сабабларини ўрганиши керак. Акс ҳолда, инфляцияни назорат қилиб бўлмайди ва муаммо бўлиб қолаверади.

**Натижа.** Ибн Халдуннинг иқтисодиётга оид тавсияларида ҳам, бу назария алоҳида бандда таъкидланган. Қуйида Ибн Халдуннинг тавсиялари келтирилади:

1. Тадбиркорликнинг мулкий ҳуқуқлари ва эркинликларини қатъий ўрнатиш ва ҳимоя қилиш;

2. Одил судловни ўрнатиш учун қонун устуворлиги ва суд тизимининг ишончлилиги;

3. Жамоат хавфсизлиги ва савдо алоқаларининг хавфсизлиги;

4. Бандлик, меҳнат унумдорлиги ва даромадларини ошириш учун солиқ ставкаларини камайтириш;

5. Бюрократия ва ёлланма армияни қисқартириш билан бир вақтда уларнинг самарадорлигини ошириш;

6. Давлатнинг савдо, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига аралашувини чеклаш;

7. Давлат кўмагида нархларнинг ошиб кетишининг олдини олиш;

8. Давлат кўмагида бозор монополлашувининг олдини олиш;

9. Пул қиймати билан чайқовчиликка йўл қўймайдиган, ҳокимиятдан мустақил, изчил пул-кредит сиёсати;

10. Аҳолининг ўсиши ва бозор ихтисослашуви даражасининг ошиши;

11. Мустақил фикрлашни ривожлантиришни рағбатлантирадиган ижодий таълим тизими;

12. Яхши ишларга ундайдиган ва иллатларнинг олдини олувчи адолатли ижтимоий тизимни барпо этиш учун жамоавий масъулият ва ички адолат туйғуси.

С.М. Батсиева, Ибн Халдун ҳозирги кунда қиймат сирини ҳал қилган биринчи таниқли иқтисодчи бўлганлигини таъкидлайди. Бироқ, Ибн Халдун назарияси зиддиятга дуч келди, чунки деярли ҳеч қандай меҳнат сарфламаган билимли кишилар умрининг кўп қисмини меҳнатга бағишлаган камбағалларга қараганда кўпроқ даромадга эга бўладилар. Олимлар бу зиддиятни билимли кишининг даромади, бунинг эвазига бошқа кишилар ишлаши туфайли шаклланганлиги билан изоҳладилар. Масалан, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликда ортиқча маҳсулот нуфузли одамлар томонидан ўзлаштирилади. [11]

“Ислом иқтисодий модели” тушунчаси илмий доираларда XX асрнинг 60-80 йилларида, мусулмон дунёси мамлакатлари, мустақил миллий давлат қуриш йўлига ўтган пайтда пайдо бўлди.

Ислом солиқ тизими икки гуруҳга: мажбурий солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз ичига олган. Мажбурий солиқ тўловлари объектлари ер ва пул, чорва моллари, инвентарь каби ҳар хил турдаги мулк. Шуни таъкидлаш лозимки, ислом солиқлари таркибида даромад солиғи мавжуд эмас. Муҳим шартлар билан фақат хумс даромад солиғи сифатида таснифланиши мумкин. Солиқ тизимининг бундай хусусияти араб жамиятида товар-пул муносабатларининг яхши ривожланмаганлиги ва унда ўзига хос деҳқончиликнинг устунлиги билан боғлиқ эди. Ихтиёрий хайр-эҳсонлар ва бадаллар, қатъий маънода, солиқ эмас, балки молия тизимида муҳим роль ўйнаган ва хайрия мақсадларида амалга оширилган. Солиқларнинг алоҳида тоифаси ҳаётни сақлаб қолиш учун олинадиган солиқлар эди. Бу ҳолда солиқ солиш объекти мулк эмас, балки яшаш ҳуқуқи эди. Бундай солиқлар фақат мусулмонлар томонидан жазоланган халқларга нисбатан қўлланилган. Кўриниб турибдики, бундай солиқ феодал муносабатларнинг ёдгорлиги бўлиб, замонавий иқтисодий амалиётда унинг ўхшаши йўқ. Асосий солиқлар закот, жизя, ушр, хирож ва хумсдан олинган.

Замонавий ислом иқтисодий тузилишининг асосий тамойиллари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон ислом декларацияси”нинг 15-моддасида жамланган шаклда келтириб ўтилган.

**Замонавий ислом иқтисодий тузилишининг асосий тамойиллари**

1-жадвал

| № | **Тавсифи** |
|---|---|
| 1 | барча одамлар ўзларининг иқтисодий фаолиятида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Булар Аллоҳ таоло томонидан бутун инсоният манфаати учун берилган неъматлардир; |
| 2 | ҳамма одамлар қонунга (шариатга) мувофиқ тирикчилик қилиш ҳуқуқига эга; |
| 3 | ҳар бир шахс ўзи якка тартибда ёки бошқа шахслар билан биргаликда эгалик қиладиган мулк ҳуқуқига эга. Айрим иқтисодий воситаларни миллийлаштириш жамият манфаати нуқтаи назаридан қонунийдир; |
| 4 | камбағаллар бойларнинг закот билан белгиланган ва Қонунга мувофиқ ажратилган мол-мулкининг маълум бир қисмига эга бўлиш ҳуқуқига эга; |
| 5 | барча ишлаб чиқариш воситаларидан бутун жамоа манфаатлари йўлида фойдаланилиши лозим, уларга эътибор бермаслик ёки нотўғри фойдаланиш тақиқланади; |

| | |
|---|---|
| 6 | жамият манфаатларига зиён етказмаса, ислом қонунлари ва қадриятларини бузмаса, жамиятда иқтисодий фаолиятнинг барча турларига рухсат берилади. |

**Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди**

Шуни таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда араб муаллифлари аллақачон мулк назариясини ишлаб чиқишган. Тўғри, Европадан фарқли ўлароқ ҳуқуқий маданият, айниқса, унинг хусусий мулк сифатидаги шакли мусулмон дунёсида Рим ҳуқуқидагидек муҳим маъно касб этмаган.

Араб дунёсида "мулк" тушунчасини ифодалаш учун "мол" ва "милк" атамалари ишлатилади. Мол (кўплик амвол) мусулмонлар орасида бойлик ўлчови бўлган қийматни билдиради. Ислом иқтисодиёти фани муаллифлари талқинида "мол" тўрт тоифага бўлинади: "соқов" — қимматбаҳо металлар ва пуллар; "сўзловчи" – қуллар ва моллар; "товарлар" ва "кўчмас мулк".

Савдо ёки ишлаб чиқаришга қўйилган маблағлар "раъс ал мол" ("асосий восита" ёки капитал) деб аталган ва "ғалла" атамаси билан белгиланган фойда билан адаштирилмаслик лозим. Замонавий тушунчада "раъс ал-мол" капитал тушунчаси билан бир хилдир.[12] Милк (кўплик амлок) атамаси мулк объектини билдиради.

Мулк совға ёки мерос, маҳр (хотин эридан никоҳ совғасини олади), садақа (қариндошларга нафақа бериш, садақа олиш) орқали бошқа кишига мулкка айланиши мумкин. Буюм бошқа нарсага алмаштирилиши, ҳарбий ҳаракатлар пайтида қўлга олиниши натижасида шахснинг мулкига айланиши мумкин. Бироқ, Ислом оламида мулкка эга бўлишнинг иккита устувор йўли бор — ўз меҳнати ва тижорат фаолияти. Исломда меҳнат тушунчаси учта асосий позицияга асосланади:

Биринчидан, жамиятнинг қобилиятли аъзоси меҳнат қилишга мажбурдир;

Иккинчидан, давлат ҳар бир меҳнатга лаёқатли кишини иш билан таъминлаши керак;

Учинчидан, ишчилар ўз иши учун адолатли ҳақ тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга; [13]

Исломда мулкка эга бўлишнинг ноқонуний усулларига ўғирлик, товламачилик, давлат маблағларини ўзлаштириш ва ҳар қандай замонавий жамиятда жиноят сифатида тан олинган бошқа ҳаракатлар (масалан, алдаш йўли билан мулкни қўлга киритиш – фирибгарлик, шунингдек, пора олиш) киради. Исломнинг бу қоидалари тўлиқлигича замонавий хусусиятга эга. Шубҳасиз, ислом ҳуқуқи мулк ҳуқуқини ҳимоя қилади, шу билан бирга, ислом қонунлари жамоатчилик талаби билан хусусий мулкни давлат томонидан муҳофаза қилинади. Жумладан, Ўзбекистонда 2019 йил 13 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида" ги ПФ-5780-сонли Фармони айнан ислом дини билан йўғрилган, қонуний устворликни таъминловчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ислом иқтисодий моделининг концептуал ўзаги жамият ва шахс манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлашдан иборат. Ислом дини инсонни

моддий бойликларини жамият манфаати йўлида ишлатиш, фойда кўриш орқали кўпайтиришга даъват этади. Инсон мулкдор бўлгани учун ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор ва бу ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ўсиши омилидир.

Ижора ва муробаҳа исломий молиялаштириш воситалари бўлиб, фоизга асосланган молиялаштиришдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

1. Анъанавий молиялаштиришда молиячи мижозга кредит бўйича фоиз сифатида пул беради, муробаҳада эса молиячи товарларни сотиб олади ва кейин уларни фойда билан мижозга сотади.

2. Муробаҳада молиячи товарлар қайта сотилгунга қадар таваккалчиликни ўз зиммасига олади, фоизга асосланган қарзда эса қарз олувчи кредит таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

3. Муробаҳада, агар харидор тўловни кечиктирган бўлса ҳам, сотиш нархи шартномадан кейин белгиланади. Чунки шариатда пулни даврий ўлчаш тушунчаси мавжуд эмас.

4. Ижорада молиячи мижозга активдан маълум муддатга фойдаланиш ҳуқуқини беради, молиячи эса актив билан боғлиқ рискларни ўз зиммасига олади.

Анъанавий банклараро кредитлар эса реал активлар билан таъминланмаган янги пулларни яратади. Реал сектор ва молия сектори ўртасидаги бу узилиш инфляцияни кучайтиради ва валютанинг қадрсизланишига олиб келади. Исломий молиялаштириш воситалари эса, реал қиймат яратиш ва инфляцияни олдини олишга мослаштирилган.

Мамлакатимиз нодавлат банк тизимида, Ибн Халдун тавсияларига амал қилиб, ижора ва муробаҳа молиялаштириш ишлари давом эттирилса, унга мослаштирилса, ўзбек сўми инфляцияга бардошли валюталар қаторидан ўрин олади ва иқтисодимиз суръати ҳам ошиб бораверади.

## Adabiyotlar/Литература/References

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017-2021йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар **стратегияси”** Http://Strat Egy.Regulation. Gov.Uz Uz/ Document/2
2. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 11 Сентябрь
3. *Мирзиёев Ш. М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь
4. Абу Йусуф Йа'куб Б. Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж. Перевод с арабского и комментарии А. Э. Шмидта Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова Подготовка к изданию, вступит, статья и указатели А. А. Хисматулина. – Санкт-Петербург, 2001. – 451 с.
5. Абдураҳмон ибн Халдун.Муқаддиматул ибн Халдун.Дорул яъраб, –Дамашқ , 2004. –Б 569.
6. Е. Байдаулету. Исломий молия асослари. Ҳусан Ҳасановнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент, “O‘zbekiston”, 2019. – Б432 .
7. Muhammad Taqi Usmani. An Introduction to Islamic Finance // 1998, 169 p.
8. Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность // Издательский дом Марджани, Москва, 2009. – С.260.

9. Судин Харон, Ван Нурсофиза Ван Азми. Исламская финансовая и банковская система: Философия, принципы и практика. Линова-Медиа, Казань, 2012. – С 536.
10. Гибадуллин М.З, Вахитова Т. М. Основы исламской экономики: теория и практика хозяйствования. Учебноепособие/ М.З.Гибадуллин. – Казань: ТГГПУ, 2009. – С 195 .
11. Беккин Р. И. Проблемы современной экономики, N 2 (22), 2007.
12. Ислам. Энциклопедический словарь. - М.,1991. С.153.
13. Аль-Али Насер Абдель Рахим. Унивесрализм и исламская концепция прав и свобод человека: дис….к.ю.н.- М., 1999.- С.57.8

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3I12.1Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).